

**ЭРГАШ БУЛБУЛ-ДИЛКАШ БУЛБУЛ**  
**(Эргаш Жуманбулбул ўғли таваллудининг 140 йиллиги**  
**муносабати билан)**

**Ойбек Абдимўминов, Навоий давлат**  
**педагогика институти тадқиқотчиси.**

*Туманим Нурота-тоғлар ораси,  
Отим Эргаш Жуманбулбул боласи.  
Қаридимми десам қўнглим қоласи,  
Тобора ортади ёшлик ҳаваси.*

Қадимий Нурота ва Қўшрабортнинг пурвиқор Оқтов ва Қоратов тоғлари оралиғида, аниқроғи, Оқтовнинг шимолий этакларида элнинг дарду-аламини, қайғу-ҳасратини куйлаган Қўрғон дostonчилик мактабининг хушовоз, булбулзабон вакиллари яшаб ижод этишган.

Қўрғон дostonчилик мактаби XVII асрда яшаб ўтган Ёдгор бахши номи билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик бу мактабни Лапас бахши, мулла Тош бахши, мулла Холмурод бахши, Султон кампир, Тилла кампир, Жолмон бахши, Бўрон бахши, Жуманбулбул бахши, Ёрлақаб бахши, Жоссоқ бахши, Қулсамад бахши, Эргаш бахши, Пўлкан шоир, Бўта бахши, Марди бахши, Эгамберди бахши, Раҳматулла бахши каби ўнлаб забардаст вакиллари янада ривожлантирдилар.

Эргаш Жуманбулбул ўғли ана шу бахшилар силсиласининг энг йирик ва доврукли вакилидир.

Эргаш Жуманбулбул ўғли 1868 йил ҳозирги Қўшраборт туманининг Жўш даҳасидаги Қўрғон қишлоғида етти пушти бахши ўтган оилада дунёга келган. Бу ҳақда у ўзининг “Таржимаи ҳоли”да “Мен Зарафшон вилоятининг Нурота жарибининг, Жўш даҳасининг Қўрғон қишлоғидан-Мулла Эргаш-61 яшар Жуманбулбул ўғли, Жуманбулбул Мулла Холмуроднинг ўғли, Мулла Холмурод Мулла Тошнинг ўғли, Мулла Тош уста Лапаснинг ўғли, уста Лапас Ёдгорнинг ўғли. Ўзим ўзбек, туркман жамоасидан, асл зотим Қоракисса козоёқлигига қуйилади”<sup>1</sup>, деб баён этади.

Эргаш Жуманбулбул ўғли ёшлигидан зийрак, билимга чанқоқ, сўзга чечан бўлиб ўсади. Зеро, унинг ўзи куйлаганидек,

Мен чечанман, ўзим сўзнинг устаси,  
Мендан қолган катта шоир нусхаси.  
Етти пуштим бари шоирга катта,  
Уларнинг сўзининг йўқдир қисқаси.

Дарҳақиқат, шоир ҳақ эди. Чунки унинг ўзи содда, жайдари, тўпори, тили бийрон халқнинг фарзанди эди.

Эргаш Жуманбулбул ўғли 1875-1876 йилларда қишлоқ масжидида маърифатпарвар Мулла Ўтамурод кўлида савод чиқаради. 1884-1885

<sup>1</sup> Қаранг: Мамаюсупов А. Самарқанд бахшичилик мактаблари: кеча ва бугун. // “Шарқ юлдузи”, 2007 йил, №3-сон, 162-бет.

йилларда Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил олади. Бу ерда у форс, араб тилларини мукаммал ўрганади. Фузулий, Навоий, Машраб, Сўфи Оллоҳёр асарларини чуқур ўрганади. Ўткир хотираси ва кучли қувваи ҳофизаси туфайли қирқдан ортиқ дostonни ўрганади, ёд олади. Элнинг катта-кичик тўю-маракасида “Кунтуғмиш”, “Якка Аҳмад”, “Қизжибак”, “Алибек ва Болибек”, “Далли”, “Равшан”, “Қундуз ва Юлдуз”, “Хушкелди”, “Холдорхон”, “Авазхон”, “Хирмон”, “Нурали”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Вомик ва Узро”, “Варқа ва Гулшоҳ”, “Махтумқули”, “Тулумбий” каби дostonлар билан бирга, “Бердиёр оталиқ”, “Замонбек”, “Хидирали элбеги”, “Мисқол пари”, “Юнус пари”, “Ойсулув”, “Қиронхон”, “Гўрўғлининг туғилиши”<sup>2</sup> каби халқ бадиҳаларини тўлиб-тошиб куйлайди. 1928 йилда фолклоршунос олим Ходи зариф биринчи марта Эргаш Жуманбулбул бахшидан “Равшан” дostonини ёзиб олади. Эргаш шоир бу дostonни отасидан, отаси Жуманбулбул эса уни устози Кичик Бўрондан ўрганган эди. 1937 йилда Эргаш Жуманбулбул ўғли Тошкентда бўлади. Бу ерда Ходи Зариф ундан “Далли”, “Хуш келди”, “Қундуз билан Юлдуз” дostonларини ёзиб олади.

Эргаш Жуманбулбул ўғли булоқдек қайнаган Қўрғон дostonчилик мактабини янада ривожлантирди, унга жило, сайқал бериб янги мактабга асос солди. Бу хусусида Муҳаммадали Қўшмоқбой, “Эргаш Жуманбулбул ўғли ўзбек дostonларининг хазинабони эди. У Қўрғон дostonчилик мактабининг устози-қарийб ҳамма дostonларни билувчи ва шогирдларига ўргатувчи Жоссоқ шоирнинг вориси эди. Қўрғон дostonчилари маҳорати, ибрати-Жуманбулбул ўғлида давом этди... Эргаш Жуманбулбул ўғли дoston айтганида ҳамиша жўш-хурушга кириб, шундай бедахиллик ва маънавий юксакликка эришадики, у бутун коинотни кафтига симобдек куйиб, кузатиб турганга ўхшайди... Эргаш Жуманбулбул ўғлининг эстетик идеали Қўрғон дostonчилик мактаби эстетик идеалини тўла-тўқис мужассам этади.”<sup>3</sup> деб, таъкидлайди.

Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган дostonлардан Ватан меҳри, Она юрт қайғуси, ҳиди анқиб туради. Чунки у эл дардини, изтиробини, миллат қайғусини куйлаган халқ фарзанди эди.

---

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: “Ўқитувчи”, 1980. 200-бет.

<sup>3</sup> Муҳаммадали Қўшмоқбой. Мулла Эргаш-булбул Эргаш. // “Гулистон” 2002 йил, №3-сон, 60-61-бетлар.